94,101-105,116-149

Тошкент оқшоми

2014 ЙИЛ 17 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 76 (12.637)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ислоҳ этиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, техник ва технологик янгилаш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш каби устувор вазифаларни амалиётга татбиқ этишда илм-фан ва инновация ютуқлари муҳим аҳамиятга эга.

Қарор ва ижро

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтиришга қаратилаётган эътибор туфайли ушбу йўналишда муҳим натижаларга эришилмоқда.

Тошкент кимё-технология институтида таълимнинг ўттизга яқин йўналиши бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш баробарида кимё, нефть-газ, металлургия, қурилиш, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган замонавий технологияларни яратиш юзасидан қирқдан зиёд мавзуда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тадқиқотлар тегишли тармоқларни замон талаблари асосида ривожлантириш, маҳаллий хомашё асосида рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш усулларини жорий этиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, ишлаб чиқаришда биотехнологиялардан оқилона фойдаланиш каби устувор масалаларга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш ва илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Институт олимлари илмий тадқиқотлар жараёнида мамлакатимиздаги йигирмага яқин саноат корхоналари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ўзбекистон озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси билан экологик соф ёғ-мой ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологияларини татбиқ этиш, пойтахтимиздаги «Технокерамика» масъулияти чекланган жамияти билан табиий хомашёни қайта ишлашнинг замонавий технологияларини яратиш, целлюлоза ва озиқ-овқат саноатига инновацион ишланмаларни жорий этиш, аграр тармоқда биотехнологик усуллардан фойдаланиш каби мавзулардаги илмий тадқиқотлар иқтисодиётимизни изчил ривожлантиришга йўналтирилган.

Бугунги кунда ичимлик суви ва бошқа маҳсулотлар қадоқланадиган елим идишлар фойдаланиб бўлингандан кейин чиқиндига айланади. Бундай чиқитларни ёқиш ёки тупроққа кўмиш экологияга катта зарар етказади. Уларни қайта ишлаш йўлларини изланиб топиш жаҳон илм-фани олдида турган долзарб вазифадир. Институт олимлари ва ёш тадқиқотчиларнинг изланишлари натижасида полимер чиқиндиларни қайта ишлаш ва иккиламчи маҳсулот олишнинг замонавий технологияси яратилди. Ушбу янги усул «Ўзкабель» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли корхоналарда синовдан муваффақиятли ўтди ва ихтирога давлат патенти олинди. Айни пайтда бу ишланмани янада такомиллаштириш ва саноат усулига кенг татбиқ этиш юзасидан илмий-амалий лойиҳалар давом эттирилмоқда.

Юқори частотали нурлар ёрдамида чигитдан юқори госсиполли мой ажратиб олишга доир ишланма ҳам олимлар ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мойдан ажратиб олинаётган госсипол фармацевтика ва кимё саноати учун қимматли хомашё ҳисобланади. Ундан мазкур соҳаларда қўлланиладиган шифобахш дори-дармон, боғлов материаллари олинади. Жаҳон бозорида ушбу маҳсулотга эҳтиёж катта. Янги технология техник госсиполни экспорт қилиш, мамлакатимизга четдан келтирилаётган баъзи тиббий препаратларни юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятини кенгайтиради.

(Давоми 2-бетда)

БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия Ташқи ишлар ва Ҳамдўстлик масалалари бўйича катта давлат вазири Саида Варси 16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида музокара ўтказди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик қатор жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил тараққий этаётгани, мазкур йўналишдаги алоқаларни янада кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Буюк Британия парламенти билан ҳамкорлик бўйича гуруҳи ҳамда Буюк Британия парламентининг «Британия — Ўзбекистон» умумпартиявий гуруҳи ўртасида имзоланган англашув меморандуми парламентаризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Жамиятни ривожлантиришда парламентнинг ўрни кенгайиб бораётгани қайд этилди.

— Ўзбекистонда мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — деди ЎзА мухбирига Саида Варси. — Буюк Британия Ўзбекистон билан бу йўналишда фаол тажриба алмашиш тарафдори.

Буюк Британия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Ирода УМАРОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ОБОД ЙЎЛЛАР — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган миллий автомагистраль йўллари ёқасида инфратузилма ва сервис иншоотларини қуриш кўрсаткичларининг Бухоро – Қарши – Ғузор – Термиз участкаларида бажарилишини ўрганиш натижаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси С.Жабборов ва бошқалар жамиятимизни модернизациялаш, барча соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган ислоҳотлар жараёнида транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган қарори асосида бу борадаги вазифаларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид дастур қабул қилинган. Унда мамлакатимизнинг барча минтақаларини бирлаштирадиган, жаҳон андозаларига мос йўллар барпо этиш баробарида уларнинг ёқасида инфратузилма ва хизмат кўрсатиш тармоқларини яратиш вазифаси белгиланган.

Жумладан, миллий автомагистралнинг Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳудудидан ўтадиган қисмида қирқдан зиёд ана шундай замонавий хизмат кўрсатиш, сервис, савдо, меҳмонхона мажмуалари, тиббий ёрдам пунктлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш ва техник хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилиши режалаштирилган.

Депутатлар 2013 йилда жойларга чиқиб, ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишларни ўрганган, назорат-таҳлил якунлари бўйича қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида мутасадди ташкилотларга тегишли тавсиялар берилган эди.

Йиғилишда ўтган давр мобайнида бу борадаги вазифаларнинг бажарилиши муҳокама этилди. Тадбирда қайд этилишича, дастурда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан жойларда кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, автомагистралнинг Қашқадарё вилоятидан ўтадиган қисмида йигирмадан ортиқ замонавий инфратузилма иншооти барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида икки юздан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Йиғилишда Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида бу борадаги чора-тадбирларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётгани қайд этилди. Автомагистраль йўлининг ушбу вилоятлардан ўтадиган қисмида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган ўттиз олтита иншоотдан бугунги кунгача атиги еттитаси қуриб битказилган. Дастурда белгиланган бу борадаги кўрсаткичларнинг тўлиқ бажарилмаслигига тадбиркорлик субъектларининг тўғри танланмагани, иш оқилона ташкил этилмагани, тадбиркорларга кредит бериш масалалари ўз вақтида ҳал қилинмагани, буюртмачилар томонидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари кечиктирилгани сабаб бўлаётир.

Тадбирда ушбу дастурнинг ижросини таъминлашга масъул бўлган мутасадди ташкилотларнинг фаолияти танқидий таҳлил этилиб, камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Қонунга итоаткор тадбиркор — қонун ҳимоясида» мавзуида Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Экобоғ»да «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси доирасида «Тошкент меҳмондўст шаҳар» номли ёшлар фестивали ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни спортга қизиқтиришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилади.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда «Ҳамшира – 2014» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг қуйи босқичларида ғолиб бўлган 35 нафар ҳамшира ўз билим ва малакасини кўрикдан ўтказди.

● Наманган давлат университетида таниқли адиб, фоторассом Нодир Норматовнинг «Кўҳитанг болалари» ҳамда фоторассом Султонбой Деҳқоновнинг «Болалик бекати» деб номланган фотокўргазмалари ташкил этилди.

● Бухорода «Болаларга беринг дунёни!» шиори остида болалар санъат фестивали ўтказилди. Айни пайтда вилоятдаги мусиқа ва санъат мактабларида 2 минг 900 нафардан зиёд ўғил-қиз санъатнинг турли йўналишларида таҳсил олмоқда. Фестивалда ана шу ёшлар вакиллари, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказлари қошидаги тўгараклар тарбияланувчилари ўз истеъдодини намойиш этишди.

● Урганчда соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир доирасида намойиш этилган «Биз – бир оила фарзандларимиз» кўргазмаси ва «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» ҳужжатли фильми иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Таниқли санъаткорлар иштирокидаги «Биз сенинг фарзандларингмиз, Ўзбекистон!» концерт дастури тадбир қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

● Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида «Менинг бизнес ғоям» республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун «Оқ йўл сенга, битирувчи!» деб номланган бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Жанубий Корея соҳилларида 477 нафар йўловчини олиб кетаётган кема чўкиб кетди. Тезкор кўрилган чора-тадбирлар натижасида 180 нафар одамнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Икки киши ҳаётдан кўз юмди. Қолганларнинг тақдири ҳозирча номаълум. Манбага кўра, сув транспорти воситасидаги йўловчилар орасида 320 нафар мактаб ўқувчиси бўлган. Улар Чежудо оролига саёҳатга олиб кетилаётган эди. Кема ҳалокатга учраган жойда қидирув-қутқарув тадбирлари давом эттирилмоқда.

● «Coogle» интернет-портали АҚШнинг учувчисиз бошқариладиган аппаратларга қуёш батареялари ишлаб чиқарувчи «Titan Aerospace» компаниясини сотиб олганини маълум қилди. Ҳозирча келишувнинг молиявий томонлари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Шундай бўлса-да, таҳлилчилар ушбу битим «Coogle»га камида 20 миллион АҚШ долларига тушганини айтишмоқда.

● Португалияда давлат харажатларини камайтириш борасидаги қарор лойиҳаси маъқулланди. Унга кўра, давлат харажатлари 1,4 миллиард евро қисқартирилади. Бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 0,8 фоизини ташкил этади. Ҳукумат шу йўл орқали келгуси йили бюджет тақчиллигини 2,5 фоиз камайтирмоқчи.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ — МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий йилнинг 10-11 апрелда бўлиб ўтган ўн тўртинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ҳаётида долзарб аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. Улардан бири – Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси асосида киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Қонун мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилишда навбатдаги муҳим қадам бўлиши шубҳасиздир. Мазкур Қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида баён этилган муҳим ғояларни ўзида мужассам этган. Мазкур Қонун жорий йил 17 апрелда матбуотда расман эълон қилинди ва кучга кирди.

Конституциявий янгиланишларнинг мазмун-моҳияти – мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, биринчи навбатда, давлат бошқарувининг энг муҳим тамойилларидан бўлмиш давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципини конституциявий таъминлашдан иборатдир. Конституциямизнинг 11-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган мазкур принципни амалга оширишнинг асосий усули ва шарти қонун ҳужжатларида, аввало, Конституцияда ҳокимиятнинг уч тармоғи ваколатларининг аниқ белгиланишига асосланган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими ҳисобланади. Деярли барча демократик давлатлар томонидан асос сифатида қабул қилинган ушбу тизим нафақат ҳокимият тармоқларининг мустақиллиги ва ўзаро ҳамкорлигини, балки улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва ўзаро назорат жараёнини конституция ва қонунларда белгиланган доирада амалга оширишни таъминлайди. Буларнинг барчаси ҳокимият ваколатларининг бир ҳокимият тармоғи қўлида тўпланишига йўл қўймасликнинг энг муҳим кафолати, демократик ривожланишнинг, жамиятда барқарорликни, қонунийлик ва манфаатлар мутаносиблигини сақлашнинг асосий шартидир.

Айнан шунинг учун ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш жараёни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб изчил ривожланиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳокимиятлар бўлинишини халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг энг муҳим шарти сифатида белгилаб, бу борада асосий механизмларни мустаҳкамлаб қўйди. Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси – қонун чиқарувчи ҳокимиятни, Вазирлар Маҳкамаси – ижро этувчи ҳокимиятни, Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судлари – суд ҳокимиятини амалга оширади. Ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи мустақил бўлиб, бири иккинчисининг ишига аралашмаган ҳолда ўзининг конституциявий ваколатлари доирасида фаолият олиб боради. Конституциянинг 89-моддасига биноан давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти – давлат бошлиғи таъминлайди.

Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида ўрнатилган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими ривожланган демократик давлатлар тажрибасига, қонунчилик, ижроия ва суд-ҳуқуқ фаолиятини ташкил этиш мезонларини белгилаб берадиган энг замонавий демократик талабларга тўла мос келади. Давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизми, айниқса, қонун ижодкорлиги жараёнида яққол намоён бўлади. Масалан, Конституциямизнинг 84-моддасига мувофиқ, қонун парламент томонидан қабул қилиниб, Президент томонидан имзоланиб, эълон қилинган тақдирдагина юридик кучга эга бўлади. Президент вето ҳуқуқидан фойдаланади. Яъни, у қонунни ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Бироқ, қонун авваллари қабул қилинган таҳририда парламент аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан маъқулланса, у Президент томонидан имзоланиши ва эълон қилиниши керак. Қонунчиликда шундай ҳолатлар ҳам назарда тутилганки, уларга кўра парламентга киритилаётган қонун лойиҳалари ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари билан келишилиши лозим. Бундай қоидалар қонун ижодкорлиги жараёнининг юксак демократик руҳда бўлишини таъминлайди ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг давлат бошқаруви ва мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар ҳуқуқий базасини шакллантиришдаги алоҳида муҳим ролини белгилайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими мамлакатимизда, босқичма-босқич, мантиқий изчиллик асосида ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражаси, давлат ва сиёсий институтларнинг етуклик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ривожланиб келмоқда.

Айрим хорижий мамлакатларнинг давлат қурилиши борасидаги тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, демократик ислоҳотларни сунъий равишда тезлаштириш, шошма-шошарлик билан парламент бошқаруви шаклига ўтиш ушбу давлатларда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг беқарорлашувига, давлатчилик асосларининг издан чиқишига, фуқаролар онгида демократик қадриятларга бўлган ишончнинг сусайишига олиб келди.

Ўзбекистонда жаҳон ҳамжамияти томонидан тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида кенг тан олинган ривожланиш йўлимиз асосида мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг муҳим таркибий қисми бўлмиш мамлакат парламенти ваколатлари ва назорат вазифаларининг ролини кучайтириш бўйича кенг кўламли ишлар изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилди. Бунда икки палатали парламент тизимига ўтилгани ва Президентнинг айрим ваколатларини парламентнинг юқори палатаси – Сенатга ўтказилгани муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда Сенат илгари Президентга тегишли бўлган амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш каби бир қатор ваколатларни самарали амалга ошириб келмоқда.

Ҳокимиятнинг ижро этувчи тармоғи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва масъулияти изчиллик билан мустаҳкамланиб бормоқда. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норма чиқарилди. Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш масъулияти бу борада барча зарур ваколатлар билан таъминланган Бош вазир зиммасига юклатилган.

Суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, судни инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда суд ҳокимияти ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Амалдаги қонунларимизга мувофиқ Конституциявий суд ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлаш ҳуқуқига эга. Умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари жиноят, фуқаролик, маъмурий ишларни, шу жумладан, фуқароларнинг мурожаатларини ва давлат бошқаруви органларининг қарорларини кўриб чиқиш орқали ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари фаолиятида қонунийликни таъминламоқда.

2010 йилда парламентимиз томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини қарор топтириш ва ривожлантириш бўйича ислоҳотларнинг қонуний ва мантиқий давоми бўлди. Ушбу муҳим, стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатга мувофиқ Асосий Қонунимизга ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тузатишлар киритилди. Жумладан, Бош вазир номзодини парламент қуйи палатасига сайловда энг кўп ўринларни олган сиёсий партия томонидан кўрсатилишини назарда тутадиган янги тартиб жорий этилди. Миллий қонунчиликка Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш институти киритилди. Айни пайтда, ҳокимиятнинг ижро этувчи органларини шакллантиришда Бош вазирнинг роли ва мустақиллиги сезиларли даражада кучайтирилди. Хусусан, Конституциямизнинг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини Бош вазирнинг тақдимига биноан тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилди.

Ҳозирги пайтда миллий давлатчилигимизнинг ривожланиш даражаси, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши, мамлакатимиз аҳолисининг тобора юксалиб бораётган сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражаси, ижтимоий-сиёсий фаоллиги давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Бунда давлат ҳокимияти тизимида вакиллик органларининг ролини янада ошириш, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш» принципининг босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Қонун айни шу мақсадларни амалга оширишга қаратилган.

Қонун ҳокимиятнинг ижро этувчи тармоғи фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини ташкил қилиш бўйича Конституциямизнинг 32, 78-моддаларига тузатишлар киритишни назарда тутади. Бу Конституциямизнинг иккинчи бобида белгиланган халқ ҳокимиятчилиги принципини амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканини белгилаб берадиган 32-модда бундай иштирок этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилишини кўзда тутадиган нормалар билан тўлдирилди. Жамоатчилик назорати ҳуқуқий асосларининг конституциявий мустаҳкамланиши унинг давлат ва жамият қурилишининг энг муҳим институтларидан бирига айланишига, жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга, аҳоли турли қатламлари манфаатларининг янада тўлароқ ҳимоя қилинишига, фуқаролар, фуқаролик институтларини жамият ва давлат ишларини бошқаришга янада кенгроқ жалб этишга кўмаклашади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат ваколатларини кенгайтириш ва кучайтириш мақсадида Конституциянинг 78-моддаси парламент палаталарининг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини конституциявий мустаҳкамлашга қаратилган қоидалар билан тўлдирилди. Бу, ўз навбатида, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг конституциявий асосларини мустаҳкамлашда, парламент назорати институти кўламининг янада кенгайиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Қонун Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини янада аниқ белгилашни, унинг мустақиллиги ва айни пайтда масъулиятини ошириш бўйича Конституцияга тузатишлар киритишни назарда тутади. Конституциянинг 98-моддаси таҳрири ривожлантирилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритиш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгар экани аниқ белгилаб қўйилди.

Ривожланган демократик давлатларнинг умумэътироф этилган тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида қонунда Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақида қоидалар белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиши вазифаси юкланди. Асосий Қонунимизнинг аввалги таҳririга кўра, бундай маърузаларни парламентнинг кўриб чиқиш учун тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига кирар эди.

Давлат бошқаруви тизимида барқарорлик, изчилликни таъминлаш, ижро этувчи ҳокимиятнинг мустақил фаолият кўрсатиш кафолатларини кучайтириш мақсадида амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши бўйича Конституциянинг 98-моддасида белгиланган нормалар мамлакат Президентининг қарорига кўра, ҳукумат айни шу даврда, Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туриши ҳақидаги қоидалар билан тўлдирилди.

Айни шу мақсадда Конституциянинг 93-моддаси 10-хатбошисидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимидан озод қилинишини белгилайдиган норма Президентнинг ушбу ваколати фақат Бош вазир истеъфога чиққан, Олий Мажлис палаталари томонидан унга нисбатан билдирилган ишончсизлик вотуми қабул қилинган тақдирда ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда амалга оширилиши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар билан тўлдирилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур Қонунга мувофиқ маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мустақиллигининг кафолатлари ва айни пайтда вакиллик органлари олдидаги масъулияти кучайтирилди. Жумладан, Конституциянинг 103-моддаси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши мажбуриятини белгилайдиган қоидалар билан тўлдирилди. Ушбу ҳисоботлар бўйича халқ депутатлари кенгашларининг тегишли қарорлар қабул қилиши белгиланди.

Конституциянинг 117-моддасига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, Олий Мажлис томонидан Президент сайловини, Олий Мажлисга сайловни, шунингдек, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш учун Марказий сайлов комиссияси тузилиши белгилаб қўйилмоқда. Айни пайтда, ушбу идора фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлиши аниқ белгиланди. Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши ва бунда фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларига амал қилиши мустаҳкамланди. Шунингдек, ушбу моддада Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва унинг Раиси сайланиши тартиби белгиланди.

Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши, сайловларни демократик, очиқ ва ошкора, қонунийлик асосида ўтказишнинг яна бир муҳим кафолатидир.

Умуман олганда, мамлакатимиз Конституциясига киритилган тузатишлар катта амалий ва долзарб аҳамият касб этади. Улар давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг мустаҳкамланишига, Президент – давлат бошлиғи, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ҳозирги пайтда Конституцияга киритилган тузатишларни жорий қонунчиликда, аввало, тайёрланаётган ва парламентимиз томонидан кўриб чиқилаётган "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳаларида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларида рўёбга чиқариш ва ривожлантириш бўйича тизимли, комплекс, профессионал ва юқори малакали ишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Конституцияга киритилган тузатишлар ижро этувчи ҳокимият органлари, парламент палаталари ва маҳаллий вакиллик органларининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни, уларнинг фаолият кўрсатиши ва ўзаро ҳамкорлигининг янги, замонавий талабларга жавоб берадиган ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси давлат ҳокимияти органлари олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва пировард натижада ҳар бир фуқаронинг, бутун жамиятнинг манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Рахимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги
институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлари номзоди

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ихтирони татбиқ этиш ишлари Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан хўжалик шартномаси асосида молиялаштирилмоқда. Тадқиқот натижалари «Асака ёғ» очиқ акциядорлик, Сирдарё вилоятидаги «Sack Oil Divizion» масъулияти чекланган жамиятларида ишлаб чиқаришга жорий этилди.

– Калийли ўғит ишлаб чиқариш саноатида ҳосил бўладиган чиқинди ҳам бир қатор саноат корхоналари учун муҳим хомашё манбаи ҳисобланади, – дейди институтнинг Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси профессори, техника фанлари доктори Холтўра Мирзақулов. – Қашқадарё вилоятидаги Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи билан ҳамкорликда ушбу йўналишда олиб борилган илмий изланишлар самарали якунланди. Тадқиқотлар натижасида галитли чиқиндини қайта ишлаш ва иккиламчи маҳсулот олиш технологияси яратилди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси гранти асосида яратилган ушбу технология ёрдамида кунига юз минг тонна чиқиндини қайта ишлаш мумкин. Ихтиро Давлат патент идорасига тақдим этилди ва уни амалиётга жорий этиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган Иҳновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси институт олимларининг илм-фан соҳасида эришаётган ишланмаларини кенг тарғиб этиш, олимлар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш имконини бераётир. 2013 йилда бўлиб ўтган ярмаркада Тошкент кимё-технология институти олимларининг ўнга яқин ишланмалари намойиш этилди ва бир қатор йирик саноат корхоналари, хусусий тадбиркорлар билан қарийб 160 миллион сўмлик шартномалар имзоланди.

Илмий тадқиқотлар жараёнига талабалар ҳам фаол жалб этилаётир. Уларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш мақсадида «устоз-шогирд» анъанаси йўлга қўйилган. Ёш тадқиқотчиларнинг ижодий-интеллектуал қобилиятини, ҳаётий кўникмаларини ва касб маҳоратини ривожлантириш мақсадида йигирмага яқин тўғарак ташкил этилган. Талабалар ўртасида ўтказилаётган илмий-техникавий анжуман ёшларнинг илмий-интеллектуал қобилиятини ривожлантириш ва илмий-тадқиқот жараёнига жалб этишда ўз самараларини бермоқда. Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ёшлар ўқиш ва илм-фан соҳасида катта ютуқларга эришмоқда.

Айни кунларда институтда VII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу галги ярмаркада институт олимлари саноат чиқиндиларини қайта ишлаш технологиялари, маҳаллий хомашё асосида янги ўғит ва озуқабоп моддалар, оқсилга бой озуқа олиш, целлюлоза саноати ва тиббиётда қўлланиладиган замонавий технологияларни кенг намойиш этишни режалаштирган.

ЕР РЕСУРСЛАРИ — ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, табиий ва антропоген омиллар туфайли сайёрамизнинг ўттиз фоиз ҳудудида деградация таъсири кузатилаётир. Бу ер юзидаги миллионлаб инсонларнинг ҳаёти, саломатлиги, турмуш тарзи ва жамият тараққиётига таҳдид солаётир.

Ана шундай глобал экологик муаммоларга бутун инсониятнинг эътиборини жалб этиш, табиатга етказилаётган салбий таъсирларни камайтириш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни тарғиб этиш мақсадида ҳар йили 22 апрель – Халқаро ерни муҳофазалаш куни сифатида нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида ушбу сана муносабати билан ер ресурсларини муҳофазалаш ва улардан оқилона фойдаланиш, бу йўналишдаги ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда тегишли вазирлик, қўмита ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари П.Реймов, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Т.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар жараёнида атроф-муҳитни муҳофазалаш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Турли соҳаларда, хусусан, қишлоқ хўжалигида замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш кўламини ошириш, мелиорация иншоотларини реконструкция қилиш, ишлаб чиқариш тармоқларида ресурстежамкор, табиатга безарар замонавий технологияларни жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича узлуксиз чора-тадбирлар бажарилаётир. Кейинги йилларда юртимизнинг турли ҳудудларида бу борада ҳаётга татбиқ этилган лойиҳалар натижасида икки юз қирқ минг гектардан зиёд майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 24 апрелда қабул қилинган «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Тадбирда ер ресурсларини муҳофазалаш, тупроқ емирилишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, саноатни ривожлантиришда табиатни муҳофазалашга оид меъёрларга амал қилинишини таъминлаш, ер ресурсларини бошқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар кўламини кенгайтириш, экологик тарғибот ишлари таъсирчанлигини ошириш борасидаги вазифалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(ЎзА)

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ТАНЛОВИ

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир инсон ишончли, холис ва тезкор ахборотга эга бўлишни хоҳлайди. Матбуот, радио, телевидение ва интернет тармоғи ўз мухлислари учун янгича ёндашувлар изламоқда, фаолият шакли ва услубини мунтазам такомиллаштириб бормоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда тўққиз юздан зиёд газета ва журнал, қарийб юзта теле ва радиостанция, тўртта ахборот агентлиги, 320 дан ортиқ интернет-нашр фаолият кўрсатмоқда. Ахборотни кенг ёритиш, жамоатчилик фикрини, фуқароларда энг яхши маънавий хислатларни шакллантириш, уларда мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, ҳақиқий демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда фаол иштирок этиш оммавий ахборот воситалари зиммасидаги муҳим вазифалардандир.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»-ги ва бошқа қонунларни ўз ичига олган мустаҳкам ҳуқуқий база мамлакатимизда матбуот соҳасини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши жараёнида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни янада такомиллаштириш имконини бермоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мустаҳкам ҳуқуқий базага эга бўлган ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, замон талабларига мос демократик янгиланишлар кўзгусига, фуқароларнинг онги ва дунёқарашини ўзгартиришга қодир қудратли куч, бир сўз билан айтганда, бугунги ҳаётни теран тасаввур этишга ёрдам берадиган ҳамкорга айланмоқда.

Давлат ва жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ўрни, аҳамияти инобатга олиниб, ўз Ватани ва касбига содиқ журналистлар ижоди ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда ва рағбатлантирилмоқда. Мамлакатимизда Жаҳон матбуот эркинлиги куни арафасида «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказиш яхши анъанага айланган. Ушбу танлов миллий ва халқаро журналистика ютуқларини оммалаштириш, журналистларнинг ўз фуқаролик позицияси ва маҳоратини намойиш этиши, янги изланишлар устида ишлашига кўмаклашмоқда. Танлов ташаббускор, изланувчан, Ватанимиз ва халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир фидойи журналистларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий ютуқлар сари ундашга хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2006 йили ташкил этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар йили ўтказиб келинмоқда. Мазкур танлов телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси йўналишларини ўз ичига олади. 2007 йилда журналистика соҳасида бош миллий мукофотнинг таъсис этилиши эса танлов нуфузини янада оширди.

– «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун ижодий танлови сифати ва кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда, – дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. – Дастлабки йили унда 1669 ижодий иш билан 136 журналист иштирок этган бўлса, ўтган йили «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун ўтказилган танловда 410 нафар журналист қатнашиб, 6400 дан зиёд ижодий иш тақдим этилди. Мукофот жамғармаси 2006 йилда 11,2 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, бу йил 181 миллион сўмга етди.

Танлов ўтказиб келинаётгандан буён 3,4 минг нафарга яқин журналист ўзининг 50,5 мингдан зиёд ижодий ишини тақдим этди. Журналистик материалларни танлаб олишда нафақат уларнинг сифати, балки Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотлар, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг мазмун-моҳиятини тезкор, холис ва ишончли акс эттириш танловнинг асосий мезонига айланди. Ўтган даврда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, юксак маҳоратини намойиш этган 194 нафар журналист ғолиб ва совриндор бўлди.

«Олтин қалам» IX Миллий мукофотига ижодий ишларни қабул қилиш якунланди. 490 нафарга яқин журналист танловга газета, журналларда чоп этилган, теле ва радиоэфирга узатилган 7,4 мингта ижодий ишини ва интернет-нашрларни тақдим этди. Ғолиблар, одатдагидек, бош мукофот ва тўртта асосий номинация (босма оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио ва интернет-журналистика) бўйича аниқланади.

Ғолиб ва совриндорлар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва пул мукофоти билан тақдирланади. БМТ, ЮНЕСКО, ЕХҲТ, Жаҳон банки, «Минтақавий мулоқот» ташкилотининг (Словения) Ўзбекистондаги ваколатхоналари ўзлари таъсис этган рағбатлантирувчи мукофотларни топширади.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, журналистлар меҳнатининг муносиб баҳоланиши, шубҳасиз, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг тезкорлигини ошириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётини кенг ва холис ёритиш, олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам бермоқда. Зеро, «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун ўтказилаётган халқаро танлов ҳам ушбу хайрли мақсадларга хизмат қилади.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

Маънавият

АДИБНИ ХОТИРЛАБ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Абдулла Қодирий таваллудининг 120 йиллигига бағишланган «Буюк романнавис адиб» деб номланган ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Унда пойтахт ўқув юртларининг ўқувчилари, талабалари, Миллий кутубхонадан фойдаланувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси маслаҳатчиси Ҳаким Сатторий, шоирлар Шукур Қурбон, Жонимқул Тўра, Ҳамидулло Исмат ва бошқалар адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, асарларининг тарихимиз, маданиятимиз, миллий қадриятларимизни тиклашдаги, комил инсонларнинг шаклланишидаги аҳамияти, қатағон даври ҳақида ҳаётий лавҳалар асосида атрофлича фикр юритдилар.

Шунингдек, Абдулла Қодирийнинг Миллий кутубхонада сақланаётган асарлари, ҳаёти ва ижодига бағишланган китоблардан ташкил топган кўргазма ҳам ташкил этилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР УМР

Учтепа туманидаги 197-умумтаълим мактабида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир шундай номланди.

Тадбирда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Маҳмуд Саттор, «Тонг юлдузи» газетасининг адабиёт бўлими мудири Ахтам Қули, Муҳаммад Юсуфнинг умр йўлдоши шоира Назира Саломова шоир ҳаёти ва ижодига доир қизиқарли маълумотларни баён этдилар.

– Ушбу адабий кечани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, миллий адабиётимиз ҳамда шоирнинг ижоди ва фаолияти ҳақида ўқувчиларга маълумот бериш, уларнинг маънавий дунёқараши, онг ва тафаккурини ошириш, адабиётга бўлган қизиқишларини янада кучайтириш ҳамда маҳаллалар ҳамкорлигида маънавий тадбирларни мунтазам равишда ташкиллаштиришдан иборат, – дейди «Кўркамобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саидкарим Сотволдиев. – Муҳаммад Юсуфни ўзбек адабиётида ёркин юлдуздай порлаб турувчи нурли шуълага қиёслаш мумкин. Зеро, унинг шеърларидаги ҳар бир сатр ёшларни эзгуликка, яхшиликка ва Ватанни севишга чорлайди.

Кечада мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, оҳанграбо куй ва қўшиқлар, шоир қаламига мансуб шеърлардан парчалар йиғилганларга манзур бўлди.

Тадбир сўнгида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига ижодкорлар томонидан батафсил жавоб олдилар.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР УЛУҒЛАНАДИ

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига кўра «Ўзбекфильм» киностудиясида тасвирга олинган «Зарб» бадиий фильмининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун премьера олди намойиши ва фильм ижодкорлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мазкур фильмда санъатни, ўзбек созини яхши кўрган, ўз касбига меҳр қўйган ва ардоқлаган санъаткорнинг соф туйғулари, қисмати ва инсонпарварлик фазилатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Моҳир созанда Шариф доирачи иқтидорли шогирди, ногирон Илҳомжоннинг истеъдодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Унинг келажакда ўз соҳасининг маҳоратли эгаси бўлиб етишиши йўлида бутун куч-билимини сарфлайди.

Умрининг охирида эса севган аёлининг, дўстлари ва ҳамкасбларининг хиёнатига оид аччиқ ҳақиқатдан хабар топади. Дунёдан кўнгли совиб, ҳаётга нафрат билан қараган бир пайтда истеъдодли шогирдига бўлган меҳри уни яна ҳаётга қайтаради...

Фильм Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, постановкачи режиссёр Нозим Тўлахўжаев, постановкачи оператор Жасур Шаметов томонидан тасвирга олинган. Постановкачи рассом Бобур Исмоилов, бастакор Дмитрий Янов.

Асосий ролларни Бахтиёр Қосимов, Фарҳод Абдуллаев, Райҳон Уласенова, Азиза Бегматова, Юлдуз Ражабова, Суръат Исмоилов, Шуҳрат Нуралиев каби актёрлар ижро этган.

Фильм премьерасидан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида бугунги кунда яратилаётган фильмларнинг маънавий аҳамияти, ёшлар онгига таъсир этувчи тарбиявий жиҳатлари хусусида сўз борди. Журналистлар фильм яратилиши хусусидаги ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар.

(Ўз мухбиримиз)

2014 йил — Соғлом бола йили

ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Шаҳримизда «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишда ОАВ роли ва вазифалари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини ОАВ орқали, тезкор, сифатли ва атрофлича ёритиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини бажариш борасида самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ислоҳотларни изчил тарзда ёритишда журналистларнинг касб маҳоратини янада такомиллаштириш учун методологик базани мустаҳкамлашни таъминлаш масалалари кенг муҳокама этилди. Жумладан, келажак авлоднинг соғлом туғилиши ва ўсишида соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт ходимларининг роли ва масъулиятини ошириш, бу борада ушбу тизимнинг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, ёшларни жисмонан соғлом ва маънан етук, баркамол қилиб тарбиялаш ҳамда таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш мавзулари ҳақида сўз борди. «Соғлом бола йили»да жамоатчилик назорати ва бунда журналистлар бурчи», «Долзарб масалаларни ёритишда журналист текшируви: касб маҳорати ва этикаси», »Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни вебсайтларда ёритиш масаласи, SEO+ журналистика тажрибаси» мавзуларида ҳам мулоҳазали чиқишлар қилинди.

Анжуманда иштирокчилар жисмонан соғлом, мустақил фикрловчи, юксак интеллектуал салоҳиятга, замонавий дунёқарашга эга баркамол авлодни шакллантириш бўйича чоратадбирларни қамраб олувчи, Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси учун масъул бўлган қатор вазирлик ва идоралар фаолияти ҳақида батафсил хабардор қилинди.

Тадбир давомида журналистлар малакасини ошириш, маҳаллий ОАВ фаолиятини янада такомиллаштириш, муаллифлик материалларининг сифати, ғоявий ва бадиий даражасини яхшилаш, аниқ мавзуларни ёритиш бўйича журналистларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш биринчи даражали вазифалар эканлиги ҳам таъкидланди.

Анжуманнинг ижобий жиҳатларидан бири, унда ҳам марказий нашрлар, ҳам ҳудудий нашрлар ходимлари қатнашди, бу ОАВнинг «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг асосий йўналишларини амалга ошириш босқичларини ҳар томонлама ёритиш борасидаги фаолиятини жадаллаштириш ҳамда мамлакатимиз бўйлаб ҳаётга татбиқ этилаётган чоратадбирлар ҳақида холисона тасаввурини шакллантиришни таъминлаш имконини беради.

Тадбирда қайд этилганидек, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади, бу ҳақиқий демократик тамойилларга асосланган кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, тинчлик ва осойишталик, халқ фаровонлиги, мамлакат тараққиётини таъминлашдан иборат.

Анжуман сўнгида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди ва иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил маълумот олдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ШАРАФЛИ БУРЧЛАРИНИ БАЖАРИШДА МАДАД БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маданият саройида мазкур вазирликка қарашли Алоҳида намунали-кўргазмали оркестрнинг «Соғлом бола йили»га бағишланган концерт дастурининг намойиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги оркестри бош дирижёри подполковник Улуғбек Мамасолиев бадиий раҳбарлиги остида ўтган ушбу тадбирда дирижёр катта лейтенант Муқумжон Маҳмудов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Галина Мельникова ҳамда халқаро ва республика миқёсидаги турли танловлар совриндорлари қўшиқ ва чолғу ижрочилиги йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Концерт дастуридан ўзбек, жаҳон мумтоз ва эстрада мусиқалари ўрин олди.

Ушбу концерт дастурининг аҳамияти ҳақида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида жисмонан кучли ва ақлан ривожланган бўлиши билан бир қаторда маънан юксак Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ушбу жараёнда, яъни ҳарбийларимизни ватанпарварлик руҳини тарбиялашда мусиқанинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ватанпарварлик руҳидаги, Ватанга муҳаббат ва садоқатни мадҳ этувчи қўшиқ ва куйлар ҳарбийларимиз қалбида юрт сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш, эл-юрт тинчлигини сақлаш ҳамда мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишдек шарафли бурчлари ва вазифаларини бажаришга тайёрлик руҳини янада юксалтиради.

Хуршида АБДУЛАЗИЗОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси Шарқ мусиқаси факультети халқ чолғулари бўлими 3-босқич талабаси

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, иқтидорли йигит-қизларни излаб топиш ва ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этишида кўмаклашиш, уларни турли салбий иллатлар таъсиридан асраш ҳамда миллий қадриятларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашга йўналтирилган кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

«Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали ана шундай лойиҳалардан. Ушбу тадбир йигит-қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан асраш мақсадида ташкил этилмоқда.

Отабек Мирсоатов олган сурат

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

«София» меҳмонхонасида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги поликлиникаларда фаолият юритаётган акушер-гинекологларнинг репродуктив саломатлик муаммоларига бағишланган илмий-амалий семинари ташкил этилди.

— Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад инсон саломатлиги, репродуктив саломатлик муаммолари ва уларни ечиш йўллари, усулларини атрофлича муҳокама қилиш, умумий амалиёт шифокорларига бу борада аниқ йўналишлар кўрсатишдан иборатдир, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси терапия аллергология кафедраси умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув марказининг ассистенти Абдуқодир Жўраев. — Одам репродуктив органларининг тузилиши, ОИТС ва гиёҳвандлик, жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг олдини олиш, ўсмирларнинг репродуктив саломатлик ҳақидаги билимларини бойитиш ва улар билан дўстона муносабат ўрнатиш чоратадбирлари муҳокама марказида бўлди.

Семинар-тренингда мазкур мавзу юзасидан малакали шифокорлар, мутахассислар томонидан кўрсатмалар, аниқ тавсиялар берилди.

— Оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш, аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади, — дейди Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси бош гинекологи Мамлакат Худойберганова. — Бугунги анжуманда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса қизларни соғлом оилага тайёрлаш мавзуларига алоҳида эътибор қаратилди.

Илмий-амалий семинар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида ташкил этилди. Семинар-тренинг машғулотларини Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўқитувчи, ассистентлари олиб боришди.

Оқила БАҲРОМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Спорт янгиликлари

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимизда ўсмирлар ўртасида ўзбек жанг санъати бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан келган умидли ёш спортчилар ўртасидаги баҳслар Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг ўзбек жанг санъати турига қизиқиш кучайиб бораётганлигини яна бир карра исботлади.

Ўзбек жанг санъатининг турли йўналишларида уюштирилган мусобақалар қизиқарли, муросасиз курашларга бой кечди. Айниқса баҳсларга Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Наманган вилоятлари спортчиларининг пухта тайёргарлик кўрганликлари ҳакамлар ҳайъати томонидан эътироф этилди.

Турли йўналишларда ғолиб бўлган Муҳаммад Қосимов, Умиджон Мамажонов ва бошқа ўсмирларнинг маҳоратлари мутахассисларда илиқ таассурот уйғотди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар рағбатлантирилди. Энг муҳими, иқтидорли спортчилардан ўсмирлар терма жамоамизга номзодлар саралаб олинди.

Энди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари ўзбек жанг санъати бўйича халқаро миқёсда ўтказиладиган қитъа ва жаҳон биринчиликларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

Жорий йилнинг куз фаслида Таиландда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Ушбу нуфузли турнирда Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам иштирок этади.

Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Қуръа натижаларига кўра Темур Олимхўжаев шогирдлари «С» гуруҳидан ўрин эгаллашди. Осиё чемпионатида совринли ўринларга эгалик қилишни мақсад қилган ўсмирлар терма жамоамиз ушбу гуруҳда Кувайт, КХДР ва Непал терма жамоаларига қарши майдонга тушади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

«Камолот»

ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАТБИҚ ЭТИЛДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, миллий ўзликни англашига кўмаклашиш, иқтидорли ўқувчи-ёшларни қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида «Тўрт фасл нишонаси» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу кўрик-танловлар асосида ўтказилиши режалаштирилган лойиҳа йилнинг тўрт фаслига мўлжалланган бўлиб, «Қиш зийнати», «Баҳор нафаси», «Ёз ифори» ва «Олтин куз» деб номланади.

Эзгу мақсадларни кўзлаб ўтказилаётган лойиҳани амалга оширишда туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Иффатли келин» ва «Сариштa бегойим» ўқув марказлари ҳамкорлик қилишмоқда.

Мазкур лойиҳанинг илк босқичи бўлмиш «Баҳор нафаси» танлови туман ҳокимлигида ташкил этилиб, унда касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган миллий либослар яратиш билан шуғулланувчи 18 нафар ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Тадбир аввалида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов ҳамда Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Гулчеҳра Досметова мазкур лойиҳанинг аҳамияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтишиб, барча иштирокчиларга омад тилашди.

Кўрик-танловда қизлар ўзларининг қўл меҳнатлари асосида яратган ўнтадан миллий ва замонавий либосларни йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра 4 нафар иштирокчи биринчи, 3 нафар иштирокчи иккинчи ва 4 нафар иштирокчи учинчи ўринларни эгаллашди. Шу билан бирга етти нафар иштирокчи танловнинг турли номинацияларида ғолиб бўлишди.

Кўрик-танловнинг ғолиб ва совриндорларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг диплом ва эсдалик совғалари ҳамда ҳамкор ўқув марказларидаги курслардан ихтиёрий бир ўқув курсига имтиёзли чегирмалар топширилди.

Зафар НАЗАРОВ

Тошкент Автомобиль ва йўллар институтида «Камалак» билимдонлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

«КАМАЛАК» БИЛИМДОНЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Ушбу танлов «Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш, ёшларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини намоён қилишга ёрдам бериш, «Камолот» ЁИҲ ривожига муносиб ҳисса қўшишлари ва келажакда етук кадрлар бўлиб етишишларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди. Жорий йилнинг 10 мартидан 4 апрелига қадар танловнинг маҳаллий босқичлари ўтказилиб, унда 278 дан ортиқ умумтаълим мактабларининг 2000 дан зиёд ўқувчилари қатнашди.

— «Камалак» болалар ташкилоти 2001 йилдан буён «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигида ўз фаолиятини олиб бормоқда, — дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши фаоли Отабек Собитов. — Ташкилот «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!» шиори остида болаларни ихтиёрийлик, ошкоралик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглиги тамойили асосида бирлаштириш ва уларни миллий ғояга содиқлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қобилиятларини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Болаларнинг истеъдодларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда «Камалак» билимдонлари» кўрик-танлови юқори савияда ўтказиб келинади.

Ўтган йили мазкур танловда 200 та умумтаълим мактаблари иштирок этган бўлса бу йилги танловнинг сони 78 тага ошди. Танлов «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар Халқ таълими ва Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармалари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Баркамол авлод вакиллари ўз билим ва салоҳиятларини яна бир бор намоён этган мазкур танловда пойтахтимизнинг барча туманларида ғолибликни қўлга киритган жамоалар қатнашди.

— Биз жамоамиз билан аҳилликда, устозларимизнинг берган маслаҳатларига таяниб, билимларимизни янада бойитган ҳолда, ўқиб-ўрганиб мазкур танловнинг шартларига тайёрландик, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 262-умумтаълим мактаби ўқувчиси, «Соғлом авлод» жамоаси вакили Дилбар Ҳикматуллаева. — Мазкур танловда бошқа туманлардан келган жамоалар вакиллари билан дўстлашиш имконига эга бўлдик.

Ўзига хос ном танлаган – «Баркамол авлод», «Камалак учқунлари», «Улуғбек юлдузлари» ва бошқа жамоалар тақдимот, саҳна кўриниши, савол-жавоб, ижтимоий лойиҳа каби шартлар асосида ўзаро беллашишди. Мазкур шартлар ёшларнинг қизиқишини ривожлантиришга, интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилиши аниқ. Ҳакамлар ҳайъати 10 баллик тизим асосида жамоалар маҳоратини баҳолади.

Танловда ғолиб бўлган жамоа Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 04.10.2013 й. № 14546-сонли и.х.га асосан 1973 й. и.ч. «Ваз21011» д.р. 11А9219. Бошланғич баҳоси – 1131660 сўм. 2. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 18.11.2013 й. № 17585-сонли и.х.га асосан 1985 й. и.ч. «Уаз469Б» д.р. 11G0603. Бошланғич баҳоси – 2348788 сўм. Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланмоқда. 3. Қибрай т. СИБ томонидан 17.05.2010 й. № 4697/11-сонли и.х.га асосан 1987 й. и.ч. «Камаз5511» д.р. Х110ОСМ. Бошланғич баҳоси – 10463391,2 сўм. 4. Қибрай т. СИБ томонидан 26.04.2012 й. № 5782/8-сонли и.х.га асосан 1993 й. и.ч. «Доган» д.р. 01К336ЕА. Бошланғич баҳоси – 2722602,15 сўм. 5. Қибрай т. СИБ томонидан 17.12.2009 й. № 12400/8-сонли и.х.га асосан «Урал» д.р. 11І5796. Бошланғич баҳоси – 4891242,2 сўм. 6. Қибрай т. СИБ томонидан 05.03.2009 й. № 4132-сонли и.х.га асосан 1968 й. и.ч. «М408» д.р. 11U1047. Бошланғич баҳоси – 329935 сўм. 7. Қибрай т. СИБ томонидан 23.02.2009 й. № 3114/11-сонли и.х.га асосан 1978 й. и.ч. «Газ2401» д.р. 30D3293. Бошланғич баҳоси – 378520,85 сўм. 8. Қибрай т. СИБ томонидан 22.06.2012 й. № 9589/11-сонли и.х.га асосан 1987 й. и.ч. «Камаз» д.р. 11Х0082. Бошланғич баҳоси – 5955880,5 сўм. Қибрай тумани Арғин Савдо УКда сақланмоқда. 9. Қибрай т. СИБ томонидан 08.06.2010 й. № 11-1019/12570-сонли и.х.га асосан «Газ31029» д.р. 10906JAA. Бошланғич баҳоси – 4400100 сўм. 10. Қибрай т. СИБ томонидан 08.06.2010 й. № 11-1019/12570-сонли и.х.га асосан «Саз2507» д.р. 10935JAA. Бошланғич баҳоси – 11419200 сўм. 11. Қибрай т. СИБ томонидан 08.06.2010 й. № 11-1019/12570-сонли и.х.га асосан «Дамас» д.р. 10681GAA. Бошланғич баҳоси – 9798300 сўм. 12. Қибрай т. СИБ томонидан 08.06.2010 й. № 11-1019/12570-сонли и.х.га асосан «Газ531201» д.р. 10908JAA. Бошланғич баҳоси – 9755100 сўм. 13. Қибрай т. СИБ томонидан 08.06.2010 й. № 11-1019/12570-сонли и.х.га асосан «ТрактюрТ28» д.р. 2560ЕР. Бошланғич баҳоси – 5221800 сўм. 14. Қибрай т. СИБ томонидан 08.06.2010 й. № 11-1019/12570-сонли и.х.га асосан «ТрактюрМТ382» д.р. 2558ЕР. Бошланғич баҳоси – 5414400 сўм. 15. Қибрай т. СИБ томонидан 08.06.2010 й. № 11-1019/12570-сонли и.х.га асосан «ТрактюрВТ150Д» д.р. 3563ЕД.

«SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Бошланғич баҳоси – 24553800 сўм. 16. Ангрен ш. СИБ томонидан 15.10.2012 й. № 7983/12-сонли и.х.га асосан 1985 й. и.ч. «Уаз469Б» д.р. Т8305. Бошланғич баҳоси – 2368992,42 сўм. 17. Ангрен ш. СИБ томонидан 26.07.2012 й. № 6184/12-сонли и.х.га асосан 1976 й. и.ч. «Уаз469Б» д.р. 11О9168. Бошланғич баҳоси – 4268160,54 сўм. 18. Ангрен ш. СИБ томонидан 21.01.2014 й. № 705/14-сонли и.х.га асосан 1974 й. и.ч. «Газ24» д.р. 10Q384JA. Бошланғич баҳоси – 439160 сўм. 19. Ангрен ш. СИБ томонидан 22.01.2013 й. № 371/13-сонли и.х.га асосан 1984 й. и.ч. «Москвич412» д.р. 11Р6669. Бошланғич баҳоси – 1300000 сўм. 20. Ангрен ш. СИБ томонидан 05.10.2012 й. № 7559/12-сонли и.х.га асосан 1980 й. и.ч. «Ваз21011» д.р. 10Т297СА. Бошланғич баҳоси – 3029904 сўм. 21. Ангрен ш. СИБ томонидан 16.01.2012 й. № 319/12-сонли и.х.га асосан 1989 й. и.ч. «Камаз53208» д.р. 11Н3476. Бошланғич баҳоси – 7843598,10 сўм. 22. Ангрен ш. СИБ томонидан 22.01.2013 й. № 371/13-сонли и.х.га асосан 1984 й. и.ч. «Москвич АЗЛК» д.р. 11V7739. Бошланғич баҳоси – 1582700 сўм. 23. Ангрен ш. СИБ томонидан 10.12.2010 й. № 19624/10-сонли и.х.га асосан 1983 й. и.ч. «Камаз5320» д.р. 11А6717. Бошланғич баҳоси – 10187183,16 сўм. Ангрен шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдонида сақланмоқда. 24. Ангрен ш. СИБ томонидан 03.05.2011 й. № 3946/11-сонли и.х.га асосан 1976 й. и.ч. «М412» д.р. 11N9038. Бошланғич баҳоси – 514495 сўм. Ангрен шаҳар 29 автокорхона майдонида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 5 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 25. Қибрай т. СИБ томонидан 17.06.2013 й. № 308/13-сонли и.х.га асосан 1996 й. и.ч. «Дамас» д.р. 10Х227СА. Бошланғич баҳоси – 15200044,8 сўм. 26. Қибрай т. СИБ томонидан 28.05.2013 й. № 226/13-сонли и.х.га асосан 2006 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01К530МА. Бошланғич баҳоси – 23697040,8 сўм. «Крономакс Эксклюзив» МЧЖ омборида сақланмоқда. 27. Қибрай т. СИБ томонидан 15.04.2013 й. № 1-185/13-сонли и.х.га асосан 1996 й. и.ч. «Дамас» д.р. 10М773ВА. Бошланғич баҳоси – 10627456 сўм. 28. Қибрай т. СИБ томонидан 05.06.2013 й. № 237/13-сонли и.х.га асосан 1999 й. и.ч. «Дамас» д.р. 10903НАА. Бошланғич баҳоси – 14368156,4 сўм. ЎзР ФА Генетика институти омборида сақланмоқда. 29. Ангрен ш. СИБ томонидан 07.02.2013 й. № 753/13-сонли и.х.га асосан 2009 й. и.ч. «Ваз2121414620» д.р. 01У952ЕА. Бошланғич баҳоси – 19818386 сўм. Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланмоқда. 30. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 24.12.2013 й. № 19162-сонли и.х.га асосан 1971 й. и.ч. «Уаз452Д» д.р. 10535SAA. Бошланғич баҳоси – 3479319 сўм. 31. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 24.12.2013 й. № 19162-сонли и.х.га асосан 1996 й. и.ч. «Тико» д.р. 11АК094. Бошланғич баҳоси – 3898158 сўм. Олмалиқ шаҳар Савдо МЧЖ омборида сақланмоқда. 32. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 18.03.2014 й. № 6409-сонли и.х.га асосан 1987 й. и.ч. «Газ2410» д.р. К223РО34. Бошланғич баҳоси – 3536000 сўм. Олмалиқ шаҳар Аммофос Максам ОАЖ омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 19 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 6002 7414 4001, МФО: 01103, СТИР: 302757392. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Тафаккур 1тор кўчаси, 2-уй, 1-хонадон. Телефон/факс: (871) 215-54-59. Гувоҳнома № 007558. 27.11.2013 й.

ЎЗ=ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Умринг мазмуни тарбиялаган фарзандларинг ва амалга оширган хайрли ишларингда мужассам.

* * *

Болаларинг фазилатига қараб сенга баҳо берадилар.

* * *

Кўнглинг тўлмаган ишдан қувонмайсан.

* * *

Астойдил изланган мақсадига етади.

* * *

Таъма кўнгилга ёпирилган офатдир.

* * *

Биз бошқаларга бажонидил маслаҳат берамизу баъзан ўзимиз амал қилмаймиз.

* * *

Ўзига ишонмаган ўзгадан паноҳ ахтаради.

* * *

Умр — хазина, вақт — бойлик.

Бойликни ҳуда-беҳуда совурсанг, хазина бўшаб қолади.

* * *

Биз ўзимизга нисбатан ишончсизликни ўзимиз туғдирамиз.

* * *

Шубҳа дарахтини минг марта чопиб ташласанг, минг биринчи марта яна униб чиқаверади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **18 апрелда** Тошкент шаҳри обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **18 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража илиқ, кундузи — 23-25 даража иссиқ бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 456

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12165 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 13.50

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5